



FOREIGN DAMAGES

Ibragimova Mokhinur Daughter of Art

Student of the University of World Economy and Diplomacy

Abstract

The article deals with the questions connected with indemnification caused by a crime in such countries as Germany, Russia, France, Great Britain, Hungary and Argentina. The author analyses the mechanism of compensation and rehabilitation of victim in criminal-procedural legislation of foreign countries in the view of possible implementation in national legislation.

Keywords: victim, accused, civil suit, civil plaintiff, civil defendant, property harm, physical harm, compensation of property harm caused by a crime, court observing criminal case, maintenance of the civil suit in pre-judicial process.

Аннотация

Мақолада Германия, Россия, Франция, Буюк Британия, Венгрия, Аргентина каби давлатларда жиноят процессида фуқаровий даъвои ундиришнинг айрим масалалари кўрилган. Шунингдек, хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида жабрланувчиларни реабилитация қилиш ва зарарни ундиришнинг мавжуд механизмларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жабрланувчи, айбланувчи, фуқаровий даъво, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, мулкый зарар, жисмоний зарар, жиноят натижасида етказилган мулкый зарарни қоплаш, ишни кўриб чиқувчи суд, судга қадар иш юритишда фуқаровий даъвои таъминлаш.

Аннотация

В статье рассматриваются некоторые вопросы возмещения вреда, причиненного преступлением в таких государствах как Германия, Россия, Франция, Великобритания, Венгрия, Аргентина. Также анализируются имеющиеся механизмы компенсации и реабилитации потерпевших в уголовно-процессуальном законодательстве иностранных государств с точки зрения возможного имплементирования в национальное законодательство.

Ключевые слова: потерпевший, обвиняемый, гражданский иск, гражданский истец, гражданский ответчик, имущественный вред, физический вред, возмещение имущественного вреда, причиненного преступлением, суд, рассматривающий уголовное дело, обеспечение гражданского иска в досудебном производстве.



Introduction

Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолияти негизда фуқароларнинг иззат-нафси ва қадр-қиммати, ҳаёти ва саломатлиги, шахсий эркинлиги ва мол-мулкни ҳимоя қилиш ётади. Ушбу ҳолат 2017 йилининг - халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинишида ҳам мантиқий равишда акс эттирилади [1, Б.1-3].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда шахс манфаатларига етказилган зарарни қоплаш механизми етарлича самара бермаяпти. Шу сабабли, жиноят процессида жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш механизмини такомиллаштириш масаласида мамлакатимиз учун хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаси муҳим ҳисобланади.

Аксарият ҳолларда жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарни ундириш масаласи суд ҳукми асосида амалга оширилади. Лекин, жиноят содир этган шахс аниқланмаган ёки аниқланиб, терговдан яшириниб юрган ҳолларда, уларни жиноий жавобгарликка тортишнинг иложи бўлмайди. Бу ўз навбатида, жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш масаласи ҳал этилмай, очиқ қолишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда жиноят содир этган шахслар ушланиб, судланган тақдирда ҳам, уларга тегишли мулкнинг йўқлиги сабабли улардан етказилган зарарни ундиришнинг имкони бўлмайди. Бу ўз навбатида жиноятдан жабр кўрганларни қўллаб-қувватловчи махсус фонд тузиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ушбу фондни давлат бюджетига зарар етказмаган ҳолда жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида орттирилган даромадларни мусодара қилиш ҳисобига тузиш мумкин бўлади. Кўпгина хорижий мамлакатлар жиноят–процессуал қонунчилигида бу масала ўз аксини топган. Ушбу давлатлар қаторига Буюк Британия, Франция, Янги Зеландия ва бошқа давлатларни киритиш мумкин.

Жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар ўзларига етказилган мулкий зарарларни ундиришда баъзан қийинчиликларга дуч келадилар. Бундай вазиятлар БМТнинг 1985 йил 29 ноябрдаги Еттинчи конгрессида қабул қилинган «Ҳокимиятнинг суиистеъмолликларидан ва жиноятдан жабр кўрганлар учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Халқаро декларацияси 12-моддасининг «Етказилган зарарни ҳуқуқбузардан ёки бошқа манбалардан тўлиқ ундиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, давлатлар ушбу зарар миқдорини қоплаш чораларини кўрадилар» деган нормасида ўз ечимини топган [2, Б.242].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади” деган [2, Б.16] ва 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган



ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин” деган нормалар мустаҳкамланган [3, Б.18]. Шу билан биргаликда, жиноят натижасида зарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари борасида аниқ бир норма ўз аксини топмаган. Бу масалада, яъни жиноятдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш Россия Федерацияси Конституциясининг 52-моддасида: «Жиноятдан ва ҳокимиятнинг суиистеъмолчиликларидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат улар учун одил судловни ва етказилган зарарни тезликда тўланишини таъминлайди», – деб тартибга солинганлигини ҳам эслаш жоиз [4].

Франция жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, жабрланувчи ўзига етказилган жисмоний зарарни жиноятчи судлангунга қадар ундиришга ҳақли. Шунингдек, Франция жиноят-процессуал қонунчилигида “жабрланувчи” ва “фуқаровий даъвогар” атамалари синоним атамалар ҳисобланади.

Франция жиноят-процессуал кодексининг 85-моддасига кўра, жиноят ёки ножўя хатти-ҳаракат натижасида ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган шахс шикоят билан ваколатли шахсга мурожаат этиб, ундан фуқаровий даъвогар мақомида ишда иштирок этишини сўрашга ҳақли [5, Б.78-80]. Юқоридаги моддага асосан, Францияда прокуратура томонидан қўзғатилган даъво оммавий (action publique), жисмоний шахслар томонидан қўзғатилган даъво фуқаровий (action civile) ҳисобланади.

Шунингдек, юридик шахслар жиноят содир этилиши натижасида моддий ёки маънавий зарар кўрган тақдирда, жабрланувчи сифатида фуқаровий даъвони тақдим этиш ҳуқуқига эга. Энг қизиқарли жиҳати шуки, Франция жиноят-процессуал қонунчилиги 1985 йилдан буён юридик шахсларга маълум бир тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, ўзлари манфаатдор бўлмаган ҳолда, фуқаровий даъво тақдим этиш ҳуқуқини берган.

Венгрия жиноят-процессуал қонунчилига кўра, фуқаровий даъво тақдим этган жабрланувчининг ҳуқуқлари даъво тақдим этмаган жабрланувчиникига қараганда кўпроқ эканлигини кўриш мумкин [6, Б.204].

Аргентина жиноят кодексининг 30-моддасига кўра, айбланувчининг етказилган зарарни қоплаш мажбурияти энг устувор мажбурият ҳисобланади.

Германия жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш жазони енгиллатиш, шартли ҳукм чиқариш ёки жазодан тўлиқ озод қилишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади (Германия ЖПКсининг 155а, 153а моддалари). Шунингдек, ушбу кодексда етказилган зарарни қоплаш масаласи жарима тўлаш ва процессуал чиқимларни тўлашдан кўра муҳимроқ эканлиги қайд этилган. (Германия ЖПКсининг 459а моддаси).

Буюк Британия жиноят-процессуал қонунчилигида жабрланувчиларга давлат органларидан ташқари, хайрия ташкилотлари ҳам моддий ёрдам беришлари ўз аксини топган. Жабрланувчи мурожаат этгач, улар тезда, яъни тўрт кун мобайнида, конфиденциал равишда текинга моддий ёрдам кўрсатадилар [7].



Буюк Британиянинг 2000 йилги “Жиноят судларининг (жазо тайинлашдаги) ваколатлари тўғрисида”ги Қонуни билан парламент жиноят суд иш юритувида компенсация тўғрисидаги суд буйруғи комплекс ҳуқуқий тартибга солинди [8].

Ушбу Қонуннинг 130-моддасига биноан, жиноят ишини мазмунан кўриб чиқаётган суд ҳар қандай жазонинг ўрнига ёки унга қўшимча тариқасида компенсация тўғрисида буйруқ чиқариш орқали маҳкумни қуйидагиларга мажбур қилиши мумкин:

- а) суд ҳукми билан тан олинган ҳар қандай жиноят оқибатида вужудга келган ҳар қандай жароҳат, йўқотишлар ёки шикастлар учун компенсация тўлаш;
- б) жабрланувчи ўлими билан боғлиқ дафн маросимини ўтказиш ёки бошқа харажатларни тўлашни амалга ошириш (масалан, боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ тўлов ва б.қ.);
- в) йўл ҳаракати қоидаларини жиноий бузиш оқибатида вужудга келган ҳар қандай жароҳат, йўқотишлар ёки шикастлар учун компенсация тўлаш.

Таъкидлаш лозимки, суд ҳукми бўйича жазо сифатида жарима тайинланиши ва бир вақтнинг ўзида компенсация тўғрисида буйруқ чиқарилиши лозим бўлса, суд даставвал, компенсация тўғрисида буйруқ чиқариши лозим бўлади. Суд компенсация миқдорини маҳкумнинг имкониятлари ва моддий аҳволидан келиб чиқиб белгилайди. Тадқиқотчилар томонидан таъкидланганидек, компенсация тўғрисидаги буйруқ маҳкум тўлашга қодир бўлган миқдордан ошмаслиги лозим [9, Б.189].

Суд ҳукм чиқариш вақтида жиноятдан етказилган зарарни компенсация қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асослар бўла туриб, уни чиқармаган бўлса, бунинг сабабларини кўрсатиши ва асослантириши лозим [10, Б.156].

Жиноят процесси доирасида компенсация тўғрисидаги буйруқни жиноий юрисдикция судлари – магистрат судлари (magistrates' courts) ва Олий суд (The Supreme Court) таркибида фаолият кўрсатадиган Қироллик суди (The Crown Court) чиқаради. Магистрат судларида суд қарори билан 5000 фунт стерлингдан кўп бўлмаган миқдорда компенсация тўлови тўланиши мумкин, Қироллик судига татбиқан қонунчилик бундай чекловни кўзда тутмайди.

Маҳкумда кўрсатилган миқдордаги маблағни бирваракайига тўлаш учун етарли маблағ бўлмаса, судлар компенсацияни бўлиб-бўлиб тўлашни кўзда тутишлари мумкин. Бундан ташқари “Жиноят судларининг (жазо тайинлашдаги) ваколатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 134-моддаси жиноят ва фуқаролик суд ишлари бўйича “кўприк” вазифасини бажаради: башарти, суд томонидан ҳар қандай жиноят оқибатида вужудга келган ҳар қандай жароҳат, йўқотишлар ёки шикастлар учун компенсация тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарилган бўлса, кейинчалик жабрланувчи фуқаролик судига мурожаат этиб, ушбу йўқотишлар туфайли бой берилган фойдани ундиришни талаб қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда “фойда” тушунчасининг қўлланилганлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, инглиз қонунчилигига мувофиқ, зарар ёки зиён жиноят туфайли тўғридан-тўғри етказилган зарардан келиб чиқадиган арифметик ўлчовга эга бўлган тушунчалар бўлса, улардан фарқли равишда “фойда” кенг маъноли тушунча ҳисобланади [11]. Шу орқали қонун чиқарувчи жабрланувчига нафақат жиноят туфайли



етказилган бевосита зарарни, балки ҳар қандай бошқача зарарни ҳам ундиришнинг ҳуқуқий имкониятини тақдим этди.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш масалаларини кўриб чиқишда 2003 йилги “Жиноий юстиция тўғрисида”ги Қонуннинг (Criminal Justice Act, 2003) 329-моддаси муайян аҳамият касб этади. Унга мувофиқ, жабрланувчи жиноят содир этган шахсга нисбатан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаровий-ҳуқуқий даъво билан чиқишга ваколатли ҳисобланади.

Шу тариқа, ҳозирги вақтда Буюк Британиянинг жиноят процессида фуқаровий даъво институти “жиноят туфайли етказилган зарарни компенсация қилиш тўғрисидаги суд буйруғи институти” ёрдамида таъминланмоқда [12, Б.58-59].

МДХга аъзо давлатларнинг фуқаровий даъвони тартибга солиш билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунчилиги эса ягона тарихий-ҳуқуқий асосларга эгаллиги билан изоҳланадиган умумийликка ва айни дамда ҳар бир мамлакатнинг миллий ўзлигини ифодаладиган ўзига хосликка эгаллигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 1996 йил 17 февралда Парламентлараро Ассамблея томонидан қабул қилинган Намунавий ЖПК ҳам жиноят процессида фуқаровий даъво масаласига бағишланган алоҳида бобга эга [13].

Унинг ижобий жиҳати сифатида унда фуқаровий даъвони ҳал қилишда жиноят иши бўйича юритувда, башарти бу жиноят процесси принципларига зид бўлмаса ҳамда фуқаровий даъвони юритиш учун зарур қоидалар жиноят-процессуал қонунчиликда кўзда тутилмаган бўлса, фуқаролик-процессуал қонунчиликнинг фуқаровий даъвога оид қоидаларини қўллаш мумкинлиги тан олинганлигини қайд этишимиз мумкин. Шунингдек, унда жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича қарор фуқаролик ва бошқа қонунчилик тармоқлари нормаларига мувофиқ ҳолда қўлланилишини ҳамда жиноят процессида фуқаровий даъвога фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида белгиланган даъво муддати татбиқ этилмаслиги ҳам мустақамлаб қўйилган. МДХ намунавий ЖПК регресс даъволарни ҳамда бой берилган фойдани ҳам тан олади. Бундай фуқаровий даъво фақатгина ёзма шаклда тақдим этилиши белгиланган.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлашни тартибга солишни кўзда тутувчи аниқ нормалар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 3-қисмига кўра, фуқаровий даъво ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклларда қўзғатилиши мумкин. Оғзаки шаклда берилган даъво баённомага ёзиб қўйилади. Ушбу ҳолат бўйича фуқаролик процессидаги даъво аризасига ўхшаш аризанинг муайян шаклини белгилаб олиши мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, судгача бўлган иш юритишда жиноят процессидаги фуқаровий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида З.З. Зинатулин жиноят натижасида зарарни ундириш фақатгина жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадини кўзламайди, балки жиноятни тез ва тўлиқ очишда амалга ошириладиган вазифаларнинг



мазмунини ташкил этади, дея уқтирган эди [14, Б.19]. Юқоридаги фикрдан хулоса қилиш мумкинки, асосий вазифа бу – жиноятни тез ва тўлиқ очиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиш, яъни етказилган зарарни қоплашдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 280-моддасида таъкидланишича, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича иш юритиш амалдаги ЖПКда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво юзасидан юзага келадиган процессуал муносабатлар ЖПКда тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процессининг принципларига ҳилоф бўлмаган фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади. Шунингдек, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 245-моддасида қайд этилганидек, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилатганда арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан қўзғатилади.

“Жиноят ишида фуқаровий даъво – жиноят процесси ва фуқаровий муносабатлар бирлашадиган ўзига хос институтдир”, – дея қайд этган Ф.Багаутдиновнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бунда у жиноят оқибатида жабрланувчининг бузилган мулкӣ ҳуқуқини ҳимоялашнинг асосий жиноят-процессуал усули ҳисобланади [15, Б.36–38]. Ҳақиқатан, жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишда процессуал муносабатларнинг ушбу икки тури бир-бирини тўлдиради ва ўзаро тааллуқли бўлади.

Шунингдек, жиноят ишини кўриб чиқишда прокурорнинг иштирок этиши борасида профессор Б.Х. Пўлатов фикрларини эслаш лозим. Унинг фикрича, мамлакатимизда судларнинг мустақиллиги шаклланаётган, тарафларнинг тенглиги ва тортишуви принципи амалга оширилатган ҳозирги шароитда, прокурор дастлабки тергов органлари тақдим этган бошланғич материаллар билан танишибгина қолмай, унинг ўзи далилларни текширишда фаол иштирок этиши ва судда иштирок этиб, қонуний асосланган қарор қабул қилинишига эришиши лозим деб ҳисоблайди [16, Б. 4].

Бу, ўз навбатида, жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ҳақиқӣ таъминланиши учун зарурий шарт-шароитларни таъминлайди.

Ушбу қоидалар Жиноят кодексининг XXIII бобида мустаҳкамланган ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки ушбу бобда ҳарбий мулк, техника ва автотранспорт воситаларидан фойдаланишда етказиладиган зарарни ундириш масаласи ҳам юзага келади.

Юқорида қайд этилган фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга тўхталиб ўтишни лозим деб биламиз:

биринчидан, мамлакатимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан БМТнинг 1985 йил 29 ноябрдаги Еттинчи конгрессида қабул қилинган «Ҳокимиятнинг суиистеъмолликларидан ва жиноятдан жабр кўрганлар учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Халқаро



декларациясини ратификация қилиш ва унинг қоидаларини ички қонунчилигимизга имплементация қилиш;

иккинчидан, жинойтдан ва ҳокимиятнинг суистеъмолчиликларидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қонун билан муҳофаза қилинишини давлат сиёсати даражасига кўтариш учун Конституциямизга тегишли нормаларни киритиш;

учинчидан, жинойт жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари томонидан орттирилган тажрибанинг ижобий томонларини чуқур таҳлил этган ҳолда, миллий қонунчилигимизга сингдириш;

тўртинчидан, МДҲ Намунавий ЖПК қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасига шахс ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қуйидаги тахрирдаги учинчи қисм киритиш таклиф этилади: “Жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси жинойт процессида кўриб чиқилади. Агар бундай даъво жинойт процессида қўзғатилмаган бўлса ёки кўриб чиқилмаган бўлса, жабрланувчи уни фуқаролик процесси тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга”.

Фойдаланилган Манбалар

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2016. 8 декабрь. – № 243. – Б.1-3.
2. Международные конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: Сб. международ. Деклараций / Сост.: Ю. С. Пулатов. – Т., 1995. – С. 242.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 16–18.
4. Конституция Российской Федерации. Web-ресурс: [www. constitution. garant. ru](http://www.constitution.garant.ru). - Мурожаат санаси: 23.12.2020.
5. Головкин, Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. / Л.В. Головкин.- М.: Фирма « СПАРК», 1995. – С. 78-80.
6. Жеребятьев, И.В. Личность потерпевшего в современном уголовном судопроизводстве России: монография. / И.В. Жеребятьев. – Оренбург: РИК ГОУ ОГУ, 2004. – С. 204.
7. Национальный Кодекс для жертв преступлений (The Code of Practice for Victims of Crime): [Electronic resource]. - URL: [http://webarchive. nationalarchives.gov.uk](http://webarchive.nationalarchives.gov.uk). - Мурожаат санаси: 24.12.2020.
8. The Powers of criminal courts (sentencing) act 2000: [Electronic resource] - URL: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts2000/ukpga20000006_en_1\(25.08.09\)](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts2000/ukpga20000006_en_1(25.08.09)). - Мурожаат санаси: 24.12.2020.
9. Craig M. Bradley. Criminal Procedure. A worldwide study. / Craig M. Bradley. – North Carolina: Durham, 2007. – P. 189.
10. Mireille Delmas-marty and J.R. Spencer. European criminal Procedures. – New York: Cambridge university Press, 2002. – P. 156.



11. Wren, T. Confiscation law and asset tracing in The United Kingdom. / T.Wren – London, 1992.
12. Дубровин, В.В. Правовое регулирование возмещения вреда, причиненного преступлением, по законодательству зарубежных стран / В.В. Дубровин, А.Г. Волевода // Юридический мир. –2009. – №11. – С. 58-59.
13. Приложение к Информационному бюллетеню Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ. – 1996. - № 10.
14. Зинатуллин, З. З. Возмещение причиненного преступлением ущерба в советском уголовном процессе: автореф. дис. ... канд. юрид.наук. / З. З. Зинатуллин. – Казань: Казанский ГУ, 1971.– С. 19.
15. Багаутдинов, Ф. Пределы действия гражданского иска в уголовном процессе стоит расширить / Ф. Багаутдинов. // Российская юстиция. –2003. – № 3. – С. 36–38.
16. Пулатов, Б. . Суд муҳокамаси – изланиш, таҳлил қилиш, фикрлаш ва англаш жараёни : давлат айбловчиси учун илмий-услуг. қўлланма / Б.Х. Пулатов.. – Т.: ТДЮИ, 2003. – Б. 4.